

**Шоназаров Зафар Умирзоқович
Қарши давлат университети
“Мусиқий таълим” кафедраси ўқитувчиси
Email: z.shonazarov1976@mail.ru**

МУСИҚА МАШГУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎҚУВЧИЛАРДА МУСИҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада ўқувчиларда мусиқий маданиятни шакллантиришда мусиқий таълим ва эстетик тарбиянинг таъсири, мусиқа машғулотларни ташкил этишга оид тавсиялар ёритилган.

Шунингдек, мусиқий маданиятни шакллантиришда мусиқий таълим мазмунида мусиқий саводхонлик, мусиқанинг инсон ҳиссиётларини ифодавий воситаларини ҳис қилишларига имкон бериш ва шунга ўргатиб бориш муҳимлигига оид масалалар келтирилган.

Калит сўзлар: Мусиқий таълим, мусиқий маданият, эстетик тарбия, мусиқий билим, мусиқий маҳорат, мусиқа ўқитувчиси, миллый мусиқа, мусиқий қобилият, мусиқий фаолият, мусиқий дунёқараш.

ПУТИ ОРГАНИЗАЦИИ УРОКОВ МУЗЫКИ И ФОРМИРОВАНИЯ МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ У СТУДЕНТОВ

АННОТАЦИЯ: В данной статье описано влияние музыкального воспитания и эстетического воспитания на формирование музыкальной культуры учащихся, а также даны рекомендации по организации занятий музыкой.

Также в формировании музыкальной культуры рассматриваются вопросы, связанные с значением музыкальной грамотности в содержании музыкального образования, позволяющей людям чувствовать средства выражения человеческих эмоций, и обучения этому..

Ключевые слова: Музыкальное образование, музыкальная культура, эстетическое воспитание, музыкальные знания, музыкальное мастерство, учитель музыки, национальная музыка, музыкальные способности, музыкальная деятельность, музыкальное мировоззрение.

Ўзбек халқининг энг асосий вазифаларидан бири сифатида ёш авлоднинг маданий-маънавий ва ақлий камолотини таъминлаш, шахсда касбий қобилиятларни ривожлантириш, ҳар бир ёшда муайян нарсага қизиқиши, дунёни мукаммал билишининг таркиб топиши билан руҳий муаммоларнинг олдини олиш, шу каби таълим-тарбиявий фаолиятларнинг аниқ тизимини яратиш эканлиги барчамизга аёндир. Мазкур вазифаларни ҳал этишда оиласиб муносабатлар, ўқув-тарбия жараёни тизимида назарий ва амалий жиҳатдан болалар тарбиясидаги ёндашувлар ҳар бир болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Айнан ёшлиқдан болаларда эстетик маданиятни шакллантириш бевосита мусиқий таълим машғулотларини ташкил этилиши ва унинг тарбиявий таъсирчанлигига боғлиқдир. Мусиқий маданият деганда мусиқа воситасида нафосатни ҳис этиш, улардан завқланиш, асраб-авайлаш ва бойитиш эвазига ўзлаштирилган мусиқий билим ва фаолияти даражасини тушуниш билан боғлиқ

жараёндир. Мусиқий маданиятнинг шаклланиши эса - бу инсон онгига уни идрок этиши натижасида пайдо бўладиган эстетик хис-туйғулар асосида маълум эҳтиёжларнинг юзага келиши, унга кўра мусиқий-назарий билимларни эгаллаши ва ундан эътиқодга айланиши асосида пайдо бўлган мусиқий маҳорат ҳамда малака ва кўникмаларнинг муайян фаолиятга айланиши натижасидир.

Болалар табиясида мусиқий маданиятни шакллантиришда аввало уларнинг вақтларини тўғри тақсимлаш, уларга керакли билимларни беришда мактабгача таълим муасасасида педагогик вазифаларни тўғри қўйишдан бошлаш лозим. Мусиқавийлик-алоҳида ва ўзига хос хусусият бўлиб, у мусиқага нисбатан эмоционал жавоб ҳиссининг пайдо бўлиши, унда ўзига хос ифода этилган мазмунни кўра олишdir [1]. Психологлар инсоннинг бу хусусиятнинг шаклланишига илк болалик даврларида - уч ёшгача бўлган даврда асос солинишини таъкидлайдилар. Мусиқага қабул қилинадиган (tinglash орқали) обьект ёки ўқув фани сифатида ҳам қарааш мумкин. Шунингдек, унга бошқа томондан, яъни кундалик, ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас (худди уйқу ва овқат каби) бир бўллаги сифатида ёндошиш ҳам мумкин. Мусиқа инсонга бевосита ва кучли эмоционал таъсир этувчи воситадир. Инсоннинг ҳиссий кечинмалари билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар аксарият ҳолларда мусиқа билан ҳамоҳанг тарзда кечади. Шундай экан, мактабгача ёш давриданоқ болаларга мусиқанинг инсон ҳиссиётларини ифодавий воситаларини ҳис қилишларига имкон бериш ва шунга ўргатиб бориш, улардаги мусиқага бўлган қобилиятларини ёшлиқдан эътиборга олиш мухимdir. Бироқ ушбу вазифани ҳал этиш учун бир хафтада икки маротаба олиб бориладиган мусиқа машғулотлариинг ўзи асло кифоя қилмайди. Шунинг учун ҳам юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жараёнида мусиқа ўқитувчиси ва қўпроқ тарбиячиси асосий эътибор қаратиш ва уларнинг имкониятларини ҳисобга олиши керак. Айнан тарбиячи, мусиқани турли шакл ва кўринишда, гурухнинг кундалик ҳаётига олиб киради.

Мусиқий маданиятни шакллантириш қўпроқ таълим-тарбия натижасига боғлиқлигини ҳисобга олсак, аввало кейинги таълим тизимида ўқувчи-талабаларда мусиқий маданиятни шакллантиришда ўқитувчи маҳорати, хусусан унинг малака ва амалий тажрибаси катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларда мусиқий маданиятни шакллантиришда мусиқий таълим мазмунида ҳалқнинг миллий руҳи, маданияти, тарихи, турмуш тарзи, урф-одатларини ўзида ифодалаган миллий мусиқа асарларини ижро этишда индивидуал хусусиятлари, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларда ўқиши ва мусиқий асарларга қизиқиш, ҳавас уйғотиш, буларнинг барчасини амалиётда маҳсус методика асосида синааб кўриш орқали амалга оширишни талаб этади [2]. Мусиқий маданият киши ижтимоий ҳаётида мухим аҳамият касб этиб, бу борада мусиқий-назарий билимларни тўлиқ эгаллаш асосида мусиқий асарлар имкониятларидан фойдаланилади. Чунки талабалар «Маданият», «Мусиқий маданият» тушунчалари мазмун-моҳияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмай, натижада маълум муаммоларни ҳал этишда қийналадилар. Бу борада асосий эътиборни мусиқий-назарий билимларни ўрганиш асосида мусиқий саводни мустаҳкамлаш эвазига ўқувчи-талабаларда мусиқий қобилиятни ривожлантиришга доир таълим-тарбиянинг янги услубларини излаб топиш, миллий мусиқани ўрганиш билан бирга жаҳон мусиқаси дурдоналарини ҳам уйғун ҳолда ўрганишга янгича ёндашув мусиқий маданиятни шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

Мусиқа ёрдамида инсон руҳини гўзал, олижаноб ёки аксинча туйғуларга созлаш (худди чолғу асбоби каби) мумкин. Мусиқий маданият ҳалқ маънавий дунёсининг ажралмас қисми бўлиб, унинг маънавий эҳтиёжини барча даврларда қондирган ва ҳар доим ҳамдард бўлган, беминнат хизмат қилган. Зоро, бугунги мустақиллик давримизда ҳам ўзининг маънавий бурчини муқаддас билиб, ҳалқимизга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам мусиқа маданиятимиз бугунги куннинг улкан ижод майдонига айланди. Шу боисдан

мусиқий тарбияни оила, мактабгача таълим муассасалари ҳамда бошланғич синфдан бошлаб болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларини хисобга олган ҳолда тизимли тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқдир [3]. Мустақил мусиқий фаолият, болаларнинг ўзларича хиргойи қилишда, ўзларича мустақил мусиқа тинглашларида, ўзларича чолғу асбобларининг бирор тури билан шуғулланишида актёрлар, хонандалар, қизиқчилар қилиқлари, овозларига таклид қилишларида кўринади. Улар ўзларича турли ўзларига ёқкан қўшиқларни хиргойи қилиб куйладилар, ўша ашула ижросининг оҳангига, овозига ва қилиқларига ўхшатиб ҳаракат қилишга интиладилар. Ўзлари ёқтирган актёр ёки қизиқчилар сўзлари тақлидан ҳаракатлар бажаради ва ҳоказо. Шундай ҳолатлар мустақил мусиқий фаолият кўринишлари хисобланади. Мустақил мусиқий фаолиятнинг болалар қизиқишиларидан пайдо бўлишига эътиборни қаратишимиз лозим. Демак болалар мусиқий фаолиятнинг у ёки бу турига қизиқар эканларки, шу кўрган ва эшитган мусиқий жараёнини хотираларида сақлаб қолаяптилар. Биз педагоглар болалар мустақил мусиқий фаолиятларига ижобий баҳо беришимиз лозим. Жамиятга ўзларича ташабbus қўрсатувчи янгиликлар яратувчи ифтихорлар, кашфиётлар қилувчи соғлом, ҳаракатчан ёшлар шундайлар орасидан чиқади, шаклланади. Шунинг учун тарбиячи, педагогларимиз ёшларда мустақил мусиқий фаолиятини ижобий баҳолаши бундай фаолият қўрсатаётган болаларга тўғри муносабатда бўлиши, улардаги шундай қобилиятларини маъқуллаб, керак бўлса рағбатлантириб бошқаларга намуна қилиб қўрсатиши боланинг бундай фолият тури билан шуғулланишдан манфаатдор эканликларини англастиши келажакда улардан буюк ижодкорлар ва санъатнинг қўзга куинган намоёндалари чиқиши мумкинлигини ангалатади [4]. Дарҳақиқат, бола қанчалар мусиқий тушунчани мустақил фикрлаб, амалда бажаришга ҳаракат қилса, мусиқий қобилиятининг ривожланиши ҳам шунчалар муваффақиятли бўлади. Шунингдек бу жараёнда уларда мусиқий дунёқараш ва мусиқий дид шаклланади. Мусиқа саводи фаолиятида мусиқий тафаккур, тасаввур ва мусиқий дунёқараш шаклланади. Бу ўз навбатида болаларни мусиқа олиб киради ва мусиқий дунёқарашларини шакллантиради. Шундай экан, мусиқий маданиятнинг шакллантиришда ўқитувчи ёшларда аввало мусиқа санъатига ҳавас уйғотиш, уларни мусиқа тинглаш кўнималарини шакллантириш ва амалий воситалар орқали қизиқтира олиши болаларда мусиқий эҳтиёжни кучайтиради, уларда бадиий таассуротларни тўплаб боради ҳамда эстетик ҳис-туйғулари ижобий характерга айлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқининг бой мусиқий мероси жаҳон халқлари мусиқий мероси билан бир қаторда асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, мусиқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иброҳимов О.А. Ўзбек халқ мусиқа ижоди (методик тавсиялар, I қисм). – Т.: «Ибн Сино», 1994.
2. Каримова Д.А. Мусиқий педагогик маҳорат асослари. “Иқтисод-молия”, -Т.: 2008.-104 б
3. Киямов Н.С. Талабаларда мусиқа маданиятини шакллантириш. //Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2012. -№4. – Б. 19-22.
4. Турсунов Р. Халқ мусиқа ижодиёти ва адабиёти. – Тошкент, 2003.- 47 бет.
1. Иброҳимов О.А. Ўзбек халқ мусиқа ижоди (методик тавсиялар, I қисм). – Т.: «Ибн Сино», 1994.
2. Каримова Д.А. Мусиқий педагогик маҳорат асослари. “Иқтисод-молия”, -Т.: 2008.-104 б
3. Киямов Н.С. Талабаларда мусиқа маданиятини шакллантириш. //Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2012. -№4. – Б. 19-22.
4. Турсунов Р. Халқ мусиқа ижодиёти ва адабиёти. – Тошкент, 2003.- 47 бет.